Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 29 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 201 (13.264)

Баҳоси эркин нархда

ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУР

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бошланган кенг кўламли ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Улкан бунёдкорлик ишлари самарасида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди, иқтисодий салоҳият сезиларли даражада юксалди, аҳоли фаровонлиги ортди. Бу ютуқлар мамлакатимизнинг шимолий ҳудудларида ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 28 сентябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимизнинг шимолий ҳудудида жойлашган Тахиатош иссиқлик электр станциясида бўлиб, бу ерда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2015 йил 18 июндаги "Тахиатош ИЭСда 230-280 МВт қувватдаги иккита буғ-газ қурилмалари қуриш" инвестиция лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли инвестиция лойиҳаси билан танишди.

Умумий қуввати 730 МВт бўлган 5 энергия блогидан иборат ушбу иссиқлик электр станцияси Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти истеъмолчиларини электр энергияси билан таъминлашнинг асосий манбаи ҳисобланади. Иссиқлик электр станциясида йилига 3,2 миллиард кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади ва бунда 1,15 миллиард куб метр табиий газ ёқилади.

Янги инвестиция лойиҳасининг амалга оширилиши нафақат катта ҳажмдаги қимматбаҳо хомашёни тежаш, балки талаб тобора ортиб бораётган электр энергияси ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини ҳам беради. Хусусан, иссиқлик электр станцияси қувватини 230-280 МВтга ошириш ҳисобидан табиий газ истеъмолини 488 миллион куб метрга камайтириш кўзда тутилган.

Бу борадаги ишлар ниҳоясига етказилгач, Тахиатош иссиқлик электр станциясининг умумий қуввати 930 МВтга етади, электр энергия ишлаб чиқариш ҳажми эса 3,3 миллиард кВт/соатдан ошади.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳрининг бош режаси билан танишди. Суҳбат чоғида замонавий кўп қаватли турар жой бинолари, дам олиш масканлари, сунъий кўллар ва сув ҳавзалари барпо этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Аҳоли учун қулай ва муносиб шароитлар яратиш кўламини янада кенгайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасига сафари давомида пахта далаларида бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишларининг бориши билан танишди, Кегейли тумани фермерлари билан суҳбатлашди.

Қорақалпоғистон Республикаси фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Йиғилиш аввалида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотираси ёдга олиниб, ҳурмат бажо келтирилди. Учрашувда мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти раҳнамолигида ушбу ҳудудда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилгани таъкидланди. Оролбўйи ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани юксак самаралар бермоқда.

Йиғилишда ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ошириш, қисқа муддатда пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ва кузги экинларни экиш, ижтимоий объектлар ҳамда уй-жойларнинг куз-қиш мавсумига тайёрлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ғамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Замонавий, шинам уй-жойлар қуриш, коммунал хизматлар фаолиятини янада такомиллаштириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалалари муҳокама этилди.

Шу куни Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига ҳам ташриф буюрди.

Урганч шаҳрида яқин йилларда қурилиши режалаштирилаётган кўп қаватли уйлар лойиҳаси кўриб чиқилди. Қишлоқ жойларда кам таъминланган оилалар учун мўлжалланган муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси яратилган якка тартибдаги замонавий, шинам уй-жойлар лойиҳалари ҳам муҳокама этилди.

Шавкат Мирзиёев Қўшкўпир туманида қишлоқ хўжалиги ишларининг бориши билан танишди. Фермерлар билан суҳбатда ер унумдорлигини ошириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосил берадиган навларини экиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Хоразм вилояти фаоллари билан учрашув Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш билан бошланди. Йиғилишда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ҳудуднинг экспорт кўрсаткичларини ошириш, истиқболли янги саноат объектларини барпо этиш, ижтимоий инфратузилмани янада яхшилаш борасидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини ғамлаш, уй-жойлар ва ижтимоий соҳа муассасаларининг куз-қиш мавсумига тайёрлиги, ҳудудда саноат ва иқтисодиётнинг бошқа соҳалари узлуксиз ишлашини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎзА

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

ҲАР БИР ДАРСИ ЯНГИЛИККА ЙЎҒРИЛГАН

Жамолиддин Нурмуҳаммадов бугунги дарс мавзусига оид материаллар тўпламига мурожаат қилди. Мавзуга тааллуқли слайдлар, аудио овозли постановка, видеофильм, асарнинг ифодали ўқилган тўлиқ варианти ўқувчилар эътиборига ҳавола этилди.

Орқа партада ўтирган Миразиз савол берди: "Алишер Навоий бу шоҳ асарининг бугунги кундаги аҳамияти қандай?"

– Асар ўзининг инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, халқлар ўртасидаги дўстликни улуғлаш, соф ва самимий муҳаббатни ардоқлаш каби долзарб ғоялари туфайли ҳар доим муҳим аҳамият касб этади, – дейди ўқитувчи. – Бу асарни мукаммал ўқиб чиқиб, ундаги юксак ғоявийлик ва беқиёс бадииятдан баҳраманд бўлиш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Доскада "Фарҳод ва Ширин" фильмидан парча намойиш этилади. Ундаги қизиқарли сюжетлар ўқувчилар ҳайратини янада оширади. Синфда жимлик ҳукмрон. Дарс янада қизиқарли тус олади. Энди дарснинг назарий қисмига навбат...

...Она тили ва адабиёт ўқитувчиси Жамолиддин Нурмуҳаммадов замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш дарсни жонли ва мароқли қилишига ишонади.

– Биз ҳозир ахборот воситалари ривожланган, глобаллашув даврида яшаяпмиз. Ҳар кун янгилигу ихтиролардан хабардор бўлиб турмасангиз, ўқувчи сиздан олдин маълумотлар топиб, илдамлаб кетади, – дейди Ж.Нурмуҳаммадов. – Бу жараёнда ўқитувчидан ўта зийраклик, интилиш ва ташаббускорлик талаб этилади. Ҳар дарсга бир янгилик билан киришга ҳаракат қиламан. Бунга ўқувчиларим ҳам ўрганиб қолишган. Машғулотларимда "тармоқлаш", "занжир", "давра суҳбати", "билиб олдим, билишни хоҳлайман" каби интерфаол усуллардан унумли фойдаланаман. Ўқувчилар бир-бирини тинглай олиш, берилган вазифани мустақил баён қилиш, гуруҳдошларини баҳолай олишни ўрганади. Ўтилган мавзу юзасидан ўқувчиларга дарсликдан ташқари топшириқ бериш уларни ўз устида ишлашга ундайди.

(Давоми 3-бетда)

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИ УЧУН СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Тошкентда Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари учун онлайн семинар-тренинг ташкил этилди. Унда Марказий сайлов комиссияси ва барча округ сайлов комиссияларининг аъзолари, матбуот марказлари раҳбарлари, сайлов ҳуқуқи бўйича экспертлар, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган семинар округ сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги ва уни амалиётда қўллаш бўйича билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш, округ сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил қилиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов шу йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ҳаётидаги ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа эканини алоҳида таъкидлади. Юртимизнинг келажаги, унинг янада тараққий этиши бўлажак сайловнинг юқори савияда ташкил этилиши, унда сайловчиларнинг фаоллигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида демократик талабларга ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш кафолатларини таъминлайдиган миллий сайлов тизими яратилди.

(Давоми 2-бетда)

2016 йил 18-19 октябрь кунлари Тошкентда Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси бўлиб ўтади.

НУФУЗЛИ АНЖУМАНГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2016 йил 19 августдаги Қарорига мувофиқ ушбу нуфузли тадбирга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Сессияда Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар, кузатувчи мамлакатлар ва халқаро ташкилотлардан уч юзга яқин вакил иштирок этиши кутилмоқда.

Ислом конференцияси ташкилоти 1969 йил 25 сентябрда Марокаш пойтахти Работ шаҳрида бўлиб ўтган ислом давлатлари саммитида ташкил этилган. Ислом давлатларининг ҳар томонлама ривожланиши учун шароит яратиш, турли халқлар ўртасида тинчлик ва тотувлик қарор топишига кўмаклашиш унинг асосий мақсади этиб белгиланган.

2011 йил 28 июнда тузилма номи Ислом ҳамкорлик ташкилоти, деб ўзгартирилган. Бугунги кунда ташкилотга 57 мамлакат аъзо бўлиб кирган.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котибияти Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Жидда шаҳрида жойлашган. Бош котиб 5 йил муддатга сайланади. Амалдаги Бош котиб Ияд Амин Маданий 2014 йил 1 январдан буён ташкилотга раҳбарлик қилиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг баркамол авлод тарбияси ва оила институтини мустаҳкамлашдаги ўрни, амалга оширилаётган ишлар, эришилган натижалар ҳамда мавжуд муаммолар мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Сирдарёда ўтказилган "Камолот-тур" IX ёшлар веломарафонининг вилоят босқичида 300 дан зиёд ҳаваскор велопойгачилар иштирок этди. "Энг ёш пойгачи", "Энг тажрибали пойгачи", "Энг маҳоратли техник пойгачи", "Велопойгачилар оиласи" каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, муносиб тақдирланди.

● Андижон вилояти перинатал марказида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда вилоятдаги тиббиёт муассасалари, Андижон давлат тиббиёт институти профессор-ўқитувчилари, талабалар, марказда даволанаётган ёш оналар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Навоий шаҳридаги "РИТМ" кўп тармоқли кичик корхона қурувчилари қисқа вақт ичида замонавий кўринишга эга бўлган бинони тиклаб, фойдаланишга топширдилар. Қурилишига Суд ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қарийб 848,3 миллион сўмлик маблағ йўналтирилган бинода суд зали, архив, девонхона, прокурор ва адвокатлар учун алоҳида хоналар ажратилган.

ЖАҲОНДА

● Европа Иттифоқида саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги харидлар фаоллигини билдирувчи менежерларнинг PMI жамлама индекси сентябрь ойида 52,6 пунктгача пасайди. Бу охирги ярим йил ичидаги энг ёмон ҳолатдир.

● Испаниянинг "CaixaBank" банки қимматли қоғозлари нархи Мадрид биржаларида 3,7 фоиз арзонлашди. Бу вазият молия муассасаси акцияларининг 9,9 фоизини инвесторларга сотишни режалаштираётганини эълон қилганидан сўнг вужудга келди.

● Жаҳондаги энг йирик молия марказлари рейтинги эълон қилинди. Бу ҳақда "Z/Yen Group Ltd." (Буюк Британия) консалтинг маркази маълумот тарқатди. Унга кўра, дастлабки бешта ўринни Лондон, Нью-Йорк, Сингапур, Гонконг ва Токио шаҳарлари эгаллади.

● Хитойда дунёнинг энг катта радиотелескопларидан бири ишга тушди. Гуйчжоу провинциясида фойдаланишга топширилган мазкур объектнинг диаметри 500 метрга, ундаги учбурчак қайтаргичлар сони эса қарийб 4,5 мингтага тенг.

● Ноябрь ойида дунёдаги энг қисқа авиарейс йўлга қўйилади. Мазкур лойиҳа Австриянинг "People`s Viennaline" авиакомпанияси томонидан амалга оширилади. Самолётлар Швейцариянинг Санкт-Галлен-Альтенрайн аэропортидан Германиянинг Фридрихсхафен шаҳрига қатнайди.

НУФУЗЛИ АНЖУМАНГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ислом ҳамкорлик ташкилоти халқаро ҳуқуқнинг субъекти ҳисобланади. Ташкилот доирасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинади.

Ташкилотнинг олий органи – Ислом саммити уч йилда бир марта ўтказилади. Ундан кейинги муҳим орган Ташқи ишлар вазирлари кенгаши бўлиб, унинг сессияси ҳар йили аъзо мамлакатлардан бирида ўтказилади. 2015 йил май ойида Ал-Кувайт шаҳрида бўлган 42-сессияда навбатдаги сессияни Тошкент шаҳрида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилотига 1996 йилда аъзо бўлган. Шундан буён ўзаро ҳамкорлик ташкилот ҳузуридаги барча тузилмалар доирасида изчил ривожланиб келмоқда.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 1999 йилда Тошкентда ўтган Афғонистон можаросини тинчлик йўли билан ҳал қилишга қаратилган “6+2” гуруҳи учрашувини, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд ташкил этиш ҳақидаги (1993 йил) ташаббусини қўллаб-қувватлаган.

Мустақиллик йилларида Ислом Каримов раҳнамолигида ислом динини ривожлантириш, мамлакатимиздаги азиз-авлиёлар қадамжоларини обод этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси – ISESCO томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинди.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар, муҳим тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда. Ташкилот вакиллари 2007 ва 2015 йилларда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари, 2009 ва 2014 йиллардаги парламент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида қатнашган. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти”, “Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш”, “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзуларидаги халқаро конференциялар ва бошқа анжуманларда иштирок этган.

Ўзбекистон 2003 йилда Ислом ҳамкорлик ташкилотининг ихтисослаштирилган тузилмаси – Ислом тараққиёт банкига аъзо бўлган. Ўтган даврда мазкур банк билан ҳамкорликда соғлиқни сақлаш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, таълим, қурилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида ўнлаб лойиҳалар амалга оширилган.

Шу йил 18-19 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси аъзо мамлакатлар ҳамкорлигини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Анжуман Ўзбекистон томонидан таклиф этилган “Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик йўли” шиори остида ўтади. Шу вақтдан бошлаб Ўзбекистон ИҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашига раисликни расман қабул қилиб олади ва навбатдаги 44-сессиягача унга раҳбарлик қилади.

Анвар САМАДОВ

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИ УЧУН СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қонунчилигимизда Марказий сайлов комиссияси раҳбарлигида сайловларнинг қонун талабларига тўла мувофиқ равишда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайдиган, фақат қонунга бўйсунадиган мустақил сайлов комиссиялари тизимининг мустаҳкамлаб қўйилгани миллий сайлов тизимининг энг муҳим хусусиятидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳокимият органларининг ҳеч қандай аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни таъминлайдиган, давлат ҳокимияти тизимида алоҳида ўрин тутган конституциявий орган мақомига эга. У ўз фаолиятини мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлилик принциплари асосида олиб боради.

Семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид қонун ҳужжатлари ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Асосий тадбирлар дастурига мувофиқ сайловга тайёргарлик кўрилаётгани айтиб ўтилди. Сиёсий партияларга сайловда иштирок этишга ижозат берилди. Сайлов округлари ва округ сайлов комиссиялари шакллантирилиб, уларнинг фаолият юритиши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Сайловнинг очиқ ва ошкоралигини, транспарентлигини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказилмоқда, халқаро кузатувчиларга таклифномалар юборилди.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунга мувофиқ округ сайлов комиссиялари зиммасига қатор вазифалар юкланган. Сайловга оид қонунларнинг округ ҳудудидаги ижросини назорат қилиш, унинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш шулар жумласидандир. Улар, шунингдек, сайлов участкаларини тузади, уларнинг округ бўйича тартиб рақамини белгилайди ҳамда манзилини кўрсатган ҳолда рўйхатини эълон қилади. Участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Сиёсий партиялар вакилларининг, сайлов округи ҳудудида жойлашган корхоналар, муассаса ҳамда ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади.

Семинарда алоҳида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари ўз ишида қонунийлик, сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралиги каби тамойилларини таъминлашга доимий эътибор бериши лозим.

Семинар-тренинг давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг асосий вазифалари, миллий сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилди. Сайлов комиссияларининг сиёсий партиялар билан ўзаро муносабатлари, халқаро сайлов стандартлари, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари, сайловнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда матбуот марказларининг вазифалари кўрсатиб берилди. Кузатувчилар институтининг сайлов жараёнидаги ўрни ва аҳамияти, округ сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий жиҳатлари, шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларга бағишланган маърузалар тингланди.

Семинар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази, Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси фаолияти билан танишди.

Н.АБДУРАИМОВА

МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси делегацияси жорий йилнинг 22-26 сентябрь кунлари Озарбойжон эркин истеъмолчилар иттифоқи таклифига мувофиқ Боку шаҳрида бўлди.

Томонлар ўзаро ахборот алмашиш, қўшма лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, биргаликда учрашув, конференция, семинар ва симпозиумлар, мутахассис ва делегацияларнинг ўзаро ташрифларини ташкил қилиш бўйича меморандум имзолади.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси Ж.Саримсоқов, Озарбойжон эркин истеъмолчилар иттифоқи раиси Э.Хусейнов ва бошқалар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича икки томонлама ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, халқаро тажриба асосида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари фаолиятини такомиллаштириш бугунги кун талаби эканлигини таъкидлади.

Озарбойжонлик мутахассисларга Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси фаолияти, мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлар учун яратилган шароитлар ҳақида сўзлаб берилди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари Озарбойжон Республикаси Президенти ҳузуридаги ННТни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича кенгаш, Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Аксилмонополия сиёсати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат хизмати ҳамда Нодавлат нотижорат ташкилотлари форумида учрашувлар ўтказди.

ЎзА



“Ўзэкспомарказ”да қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда технологияларининг “Food Week Uzbekistan – 2016” ва “Agri Tek Uzbekistan – 2016” халқаро ихтисослашган кўргазмалари бошланди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермерлар кенгаши ҳамда “Expo Position” халқаро кўргазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари билан бирга Хитой, Ҳиндистон, Япония, Италия, Германия каби ўндан ортиқ мамлакатдан элликка яқин компания ўз маҳсулот ва хизматлари билан иштирок этмоқда.

ЎзА олган сурат

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун, Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан кафолатланган. Мазкур ҳужжатлар истеъмолчиларнинг сотувчилар ва хизмат кўрсатувчилар билан ўзаро муносабатларини қамраб олган бўлиб, уларнинг ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Реклама фаолиятини назорат қилиш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя этиш бўлими томонидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш борасида кўпгина ишларни амалга ошириб келмоқда.

Биз билан суҳбатда Давлат рақобат қўмитасининг Тошкент шаҳар Ҳудудий бошқармаси Реклама фаолиятини назорат қилиш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш бўлими бошлиғи Қудратилло Мўминов жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида қилинган ишлар юзасидан тўхталиб ўтди.

– 2016 йилнинг ўтган даври давомида бўлимимизга фуқаролардан жами бўлиб 1 235 та ариза ва мурожаатлар келиб тушган. Келиб тушган ариза, шикоят ва мурожаатларнинг 77 фоизи коммунал соҳага, 10 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 5,2 фоизи транспорт, алоқа ва коммуникация хизматига ва 7,8 фоизи бошқа соҳаларга тўғри келмоқда. Ушбу ариза ва шикоятларга асосан истеъмолчиларнинг 265 211,4 минг сўм миқдоридаги пул маблағлари, фуқароларнинг фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Ҳудудий бошқарма томонидан Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги ва “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларига асосан бир қанча ўрганиш ва таҳлил ишлари ўтказилиб, қонун нормалари талабларининг бузилишига йўл қўйган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан белгиланган тартибда ишлар қўзғатилиб, 24 та хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодексининг 178-178[1]-моддаларига асосан 16149,88 минг сўм миқдорида жарималар қўлланилди.

Шунингдек, туманларда ташкил этилган “Ягона дарча” марказларига тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган реклама эскизлари ва реклама роликлари кўриб чиқилиб, улар бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги қонуни талаблари юзасидан тегишли хулосалар бериб борилмоқда.

Давлат рақобат қўмитасининг Тошкент шаҳар Ҳудудий бошқармаси томонидан товар ва молия бозорида устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда табиий монополия субъектлари иштирокида Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги, “Табиий монополиялар тўғрисида”ги, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Реклама тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонуности ҳужжатларининг товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини ривожлантиришда, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ва табиий монополист корхоналарининг фаолиятидаги ўрни” мавзусида ҳамда дори-дармон маҳсулотларининг қонун ҳужжатларида белгиланган нархлардан ошиб кетиши ҳолатларининг олдини олиш мақсадида, 2016 йил 21 июль куни “Wyndham Tashkent” меҳмонхонасида Давлат рақобат қўмитаси ва Тошкент шаҳар Ҳудудий бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда дори-дармон воситаларини ишлаб чиқарувчи ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи 120 дан ортиқ маҳаллий ва хорижий корхоналарнинг вакиллари иштирокида “Дори воситалари рекламасида Давлат назорати” мавзусида семинарлар ташкил этилди.

Ўз навбатида Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни нормалари ижросини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Тошкент шаҳрининг деҳқон бозорларида аҳолига сотилаётган асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Тошкент шаҳар ҳокими томонидан тасдиқланган энг юқори чекланган нархларда сотилиши ва маҳсулотларнинг нархларини сунъий равишда ошиб кетмаслиги юзасидан бир қатор мутасадди идоралар билан ҳамкорликда кунлик мониторинглар олиб борилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Ҳудудий бошқарма мутахассислари томонидан юқорида қайд этилган қонун ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини кенг оммага етказиш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, истеъмол маданиятини оширишга қаратилган мавзуларда оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ишлари доимий равишда амалга оширилмоқда.

ЁШ ТАДБИРКОР – КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод туман Кенгаши томонидан “Ёш тадбиркор – келажак пойдевори” мавзусида тадбиркорлар ва ёшлар иштирокида учрашув ташкил этилди.

Мамлакатимизда ёшларга яхши таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатиш, тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда ўз ҳаёт йўлларини топишида яқиндан кўмаклашиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Айниқса, касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг бизнес ғояларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор лойиҳалар ташкил этилган.

Шунингдек, турли семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилиб, уларда тажрибали тадбиркорлар ҳамда мутахассислар билан ёшларнинг бевосита мулоқотлари ўтказилаётгани уларнинг бу соҳадаги билим ва кўникмаларини бойитиб бормоқда.

Учрашувда имкониятлардан самарали фойдаланиб, соҳада юксак марраларга эришиб келаётган тадбиркорлар ёшларимизга ўзларининг эришган ютуқлари, машаққатлари, ривожланиш босқичлари ҳақида гапириб, керакли маслаҳатларини беришди. Мутахассислар томонидан эса меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, бизнес режа тузиш талаблари, кредит олиш тартиби, зарурий технологияларни келтиришга оид маълумотлар берилди. Ўз навбатида ёшлар ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

– Бугун ёшларимизга жуда кўплаб имкониятлар берилган, – дейди тадбиркор Алишер Ҳошимов. – Бундан тўғри фойдаланиб, ўз бизнесини олиб бораётган кўплаб йигит-қизларимизни учратиш мумкин. Кувонарли томони улар нафақат оиласи иқтисодини яхшилашга, балки жамият тараққиётига ҳам ҳисса қўшмоқдалар. Мана бу каби тадбирлар эса ёшларимизнинг ўз олдига мақсад қўйиб, интилишларида муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир доирасида “City Palace” меҳмонхонасига бизнес экскурсия уюштирилди.

Абдуалим САЛИМОВ

Мустақил ҳуқуқий давлат ва демократик жамият барпо этилаётган бугунги давримизда ҳаётимизнинг барча жабҳаларини тартибга солиб турувчи қонунларни билиш ва уларга риоя қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳар бир фуқаронинг ўз ҳақ-ҳуқуқини пухта билиши, уларга оғишмай итоат этиши, эл-юрт ривожининг асосий омилларидан бири эканлиги ҳаммага яхши маълум.

АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Учтепа туманида қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка қарши кураш ҳамда жамоат тартибини сақлаш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқа мутасадди идораларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракат дастури ва шу аснода бошқа чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Улар доирасида жиноятларни фош этиш ва уларнинг олдини олиш борасида кенг қамровли профилактик тадбирлар ва режалар амалга оширилмоқда. Ички ишлар органлари томонидан кенг жамоатчилик вакиллари жалб қилинган ҳолда ўтказилиб келинаётган “Пойтахт”, “Тозалаш” ва бошқа тадбирларнинг амалга оширилиши ўз ижобий натижасини бериб келмоқда. Айниқса, назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш, уларни ўқиш ва ишга жойлаштириш, ноқобил оилаларда тарбияланаётган ва жиноятга мойил ўсмирлар билан тарбиявий ишлар ўтказилишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Тарбияси эътибордан четда қолган айрим вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган безорилик, ўғрилик ва фирибгарлик каби жиноятларни, шунингдек, оғир ва ўта оғир бўлган босқинчилик, талончилик ва ҳатто қотиллик жиноятларининг содир этилиши ҳар бир кишини ташвишга солиши табиийдир.

Мисол учун, 2016 йил 23 июнь куни соат тахминан 10:30 ларда вояга етмаган Б.Мўминбоев ва У.Қўчқоровлар олдиндан жиноий тил бириктириб, Учтепа тумани, Уйғур тор кўчаси, 48-хонадонда амакиси С.Нигматовга тегишли бўлган темир сейфни очишиб, унинг ичида бўлган 450.000 АҚШ доллари пул маблағларини ўғирлаб воқеа жойидан яширинишган.

Мазкур ҳолат юзасидан ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “а” банди билан жиноят иши қўзғатилиб, айни вақтда дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шу ўринда бир савол туғилади. Бу каби мудҳиш жиноятларнинг содир этилишига ўз фарзандларининг тарбиясига эътиборсизлик билан қараётган ота-оналарнинг, юклатилган вазифаларини тўлақонли бажармаётган мактаб маъмуриятининг, ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари, яшаш жойлари бўйича вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари ва жиноят содир этиб, ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинганларни назорат қилувчи органларнинг бепарволиги сабаб бўлмадимикан? Бу аччиқ ҳақиқат барчамизни ҳушёрликка ундаши лозим!

Ҳаммамизга яхши аёнки, ота-она ўз фарзандининг камолини кўришга, уни вояга етиб ота-онасига, эл-юртига садоқатли инсон бўлишига интиқ бўлиб яшайди. Донишмандлар ота-онанинг узоқ умр кўришини, фарзандлар иқболи ва камоли билан белгилайдилар. Бу бежиз эмас, албатта. Агар фарзанди эл-юрт олдида шармисор қилса, бадном айласа, обрўсизлантирса, ота-она гамга ботади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давримизнинг энг долзарб масалаларидан биридир. Зеро, ҳар қандай мамлакатнинг демократлашувини кўрсатувчи шартлардан бири бу – инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши, уларнинг ҳимояланиш даражаси билан белгиланади.

Қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг нуқтаи назарича, жамиятдаги ахлоқсизликнинг энг ёмон кўриниши – зўравонлик ва ўғрилик кўринишидаги жиноятни содир этишдир. Жиноятлар жазоланиши, уларни содир этган шахслар қайта тарбияланиши ҳақида Беруний ўз қарашларида халқларга ибрат бўладигандек жазо бериб, гоҳо қийнаш ва товон тўлатиши, гоҳо халқ ўртасига чиқариб, унинг кирди-корини ошкора қилиш лозимлиги ҳақида фикр юритади.

Фуқароларнинг яшаш жойларида содир этилаётган ўғрилик жиноятлари, айниқса, кўп қаватли уйлардаги хонадонларда содир этилаётган ўғриликлар, талончилик ва босқинчилик жиноятларининг аксарияти, айрим ҳолларда эса, қотиллик жиноятлари ҳам шу маҳалла ёки турар жойларга келиб-кетиб юрган номаълум, нотаниш шахслар томонидан содир этилмоқда. Аммо, бу номаълум шахсларни, кўп ҳолларда эса шубҳали кўринган шахсларни ўзимизнинг яшаш жойларимизда бемақсад ва бесабаб дайдиб юришлари билан кўпчилик қизиқмайди, улар ҳақида тегишли идораларга хабар берилмайди.

Ёки бўлмаса ён-атрофимизда истиқомат қилаётган қўни-қўшниларимизнинг хонадонларида рўй бераётган нохушликларга аралашишни доимо ҳам ўзимизга хуш кўрмаймиз. Бунинг ўрнига баъзан “Мен сенга тегмайман, сен менга тегма”, қабилида иш юритишни афзал кўрамиз. Вахоланки, қўшнининг уйидаги ўт-аланга бизнинг уйимизга ҳам шикаст етказиши ҳақида ўйлаб кўрсак фойдадан холи бўлмас эди.

Бу иллат, яъни жиноят бола туғилиши билан унга йўлдош бўлиб қолмайди, балки унинг кейинчалик улғайиши ва тарбия қилиниши шароитига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Доно халқимизнинг “Қуш уясида кўрганини қилади” деганидек, содир этиладиган жиноятларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, уларни содир этган шахсларнинг аксарияти ноқобил оилаларда ва жамоаларда тарбияланганлар, ўсиб-улғайганлар.

Мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан жиноятчиликка қарши кураш ва криминоген вазиятни барқарорлаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов томонидан таклиф этилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” доирасида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар кўлами кескин фаоллашмоқда. Бунда устувор вазифалардан бири ҳуқуқ-тартибот органларининг жиноятчиликка қарши кураш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилмоқда. Хусусан, тезкор-қидирув фаолияти ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига оид янги қонунларнинг қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг мантиқий давомидир.

Жиноятчиликнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган бу каби саъй-ҳаракатлар маҳсулини кундалик ҳаётимизнинг тинчлик ва осойишталик билан ўтаётганлиги орқали яққол кузатиш мумкин.

Учтепа туманида ўтган йилнинг шу даврига қараганда қонунчилик аҳволи тобора мустаҳкамланиб, умумий жиноятчилик сони 0,76 фоизга, оғир ва ўта оғир жиноятларни 151 тадан 143 тага, яъни 5,3 фоизга, жиноятчиликнинг айрим турлари, жумладан, қасддан оғир шикаст етказиш 12 тадан 5 тага, талончилик 27 тадан 19 тага, босқинчилик 17 тадан 10 тага, товламачилик 8 тадан 6 тага, безорилик 24 тадан 15 тага ва бошқа баъзи жиноятларнинг камайишига эришилишини ушбу ишлар натижаси десак, муболаға бўлмайди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан профилактик чора-тадбирлар ҳақида фикримизни давом эттирар эканмиз, бу борада жазони ижро этиш жойларидан қайтган, амнистия акти асосида жазодан озод этилган, жазони ўтаб бўлиб, ҳозирда фойдали машғулот билан шуғулланмаётган шахсларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида уларни иш билан таъминлаш чоралари мунтазам ва изчил кўриб борилмоқда.

Учтепа тумани меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимидан олинган маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган 8 ойида туманда 5 минг 234 иш ўринлари яратилиб, 397 нафар шахслар иш билан таъминланган. Шунингдек, бир марталик ишларни ташкил қилиш бюролари томонидан 6 минг 299 нафар шахсларга кундалик иш берилган.

Ўқиш ва ижтимоий меҳнат билан банд бўлмаган фуқароларни ишга ва ўқишга жойлаштириш мақсадида жорий йилнинг 8 ойида 4 маротаба меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, унда 350 мингдан ортиқ фуқаролар иштирок этган, 216 минг нафарига иш учун йўлланмалар берилган.

Хулоса сифатида айтганда, Учтепа тумани прокуратураси томонидан ҳудудда қонун устуворлигини таъминлаш борасида кенг жамоатчилик, мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Масежон СУЛТОНОВ,
Учтепа туман прокурори ўринбосари

1 октябрь — Ўқитувчи ва ва мураббийлар куни

ҲАР БИР ДАРСИ ЯНГИЛИККА ЙЎҒРИЛГАН



(Давоми. Боши 1-бетда)

Ташаббускорлик, янгиликка интилиш, ижод ва изланишни ҳаётининг мазмунига айлантирган ёш педагог Ж.Нурмуҳаммадов Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида туғилган. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультетида таҳсил олиб, 2009 йилдан буён Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейида она тили ва адабиёт фанларидан сабоқ беради.

Жорий йилда у "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси – 2016" кўрик- танловининг республика босқичида она тили ва адабиёт йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллади. Ўз касбини севувчи, тиниб-тинчимас бу педагогнинг халқ таълими тизимидаги муваффақиятлари талайгина. Ўтган йили "Энг яхши маҳорат дарси" кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган.

Жамолиддин илмий тадқиқотлар олиб бораётган маҳоратли услубиётчи ҳамдир. У "Адабиёт фанидан хроник композиция", "Адибларнинг асарлари", "Истеъдод жилғалари", "Адабиёт фанидан амалий машғулотлар", "Адабиёт дарслари учун барча мавзуларнинг тақдимоти" каби методик қўлланмаларини чоп эттирган. Ж.Нурмуҳаммадов ўқувчиларининг ютуқларидан қувонади. Шогирди Ойхон Эркинжонова Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлса, Гулибону Амирова, Ориф Олимжонов, Камола Аҳадова, Хурсаной Каримова, Эъзоза Холбоева каби иқтидорли ўқувчилари она тили ва адабиёт фанлари бўйича республика фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритишган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, дунё имкониятлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касблар ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир. Қалби меҳр уммонига, эзгулик нурига лиммо-лим муаллимларнинг шарафли меҳнати туфайли ёш авлод илм-маърифатга ошно бўлиб улғаймоқда, келажакнинг ишончли вorисларига айланаётир.

Жамолиддин Нурмуҳаммадов ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун турли кўргазмали ўйинлар, танловлар ўтказиб, уларни ижод қилишга, янгиликларни излаб топишга ундайди.

– Ҳозирги замонавий дарсларда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг вазифалари ўзгарган, – дейди Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи директори Зулфикор Холмирзаев. – Ўқитувчи дарсда етакчи, йўналтирувчи, кўмак берувчи, бошқарувчи вазифасини бажарса, ўқувчи дарснинг фаол иштирокчисига айланиб, мустақил ишлайди, фикрлайди, ижод қилади, баҳс-мунозарада ўз фикр-мулоҳазаларини эркин ҳимоя қилади. Ёш педагог Жамолиддин машғулотларда интерфаол усуллардан самарали фойдаланади, ўзига ва ўзгаларга талабчан.

Азима ҚИЁСОВА,
ЎзА мухбири

УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ

Дунёда ҳар қайси касб-ҳунарнинг ўзига хос ўрни, аҳамияти ва қадр-қиймати бор. Аммо уларнинг орасида энг улуғ ва шарафлиси бу – ўқитувчилик касбидир. Чунки муаллим ҳар биримизга сабоқ беради, ақл-идрокимизни юксалтиради, ҳаёт илмини ўргатади.

Заҳматкаш устоз-мураббийларнинг меҳнат ва тарбияси туфайли қалбларимиз покланади, дилимизда олийжаноб инсоний фазилатлар камол топади. Устозни улуғ деб билган маърифатпарвар халқимиз муаллим ва мураббий зотини ҳамиша ардоқлаб, уларнинг меҳнатини қадрлаб келади.

Дарҳақиқат, юртимизда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларда, хусусан миллий истиқлол ғояси, миллий қадриятларимизни ёшлар онгига етказишда, тарбия ва таълимни узвий олиб боришда ўқитувчининг ҳиссаси бебаҳодир. Устозлар бутун кучларини, ақл-идрокларини, билим ва зеҳнларини, қалб кўри-ю, меҳр-тафтини шогирдларига бахшида этган заҳматкаш инсонлардир.

Тошкент Фармацевтика институтида ҳам юқори малакали кадрларни тайёрлашда, ёшларни миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялашда фаол меҳнат қилган ҳамда юртимизга малакали доришунос мутахассисларни тайёрлашда жонкуяр бўлган бир қатор устозларимизнинг фаолият олиб боришаётганлиги инсонни қувонтиради.

Мана шундай устозларимиздан Ўзбекистон фан арбоби, профессор С.Аминов ва профессорлар О.Шобилолов, А.Каримов, Х.Комилов, М.Тожиев, З.Назарова, Х.Зайнутдинов, Х.Алиевлар ёшларга сабоқ бериб, уларнинг билим ва тажрибаларини кенгайишида астойдил меҳнат қилиб келмоқдалар.

Ҳар бир устознинг ўз айтар сўзи, ёшларга таълим-тарбия беришда ўз қарашлари мавжуд. Улар билан суҳбатлашар экансиз, бамисоли илм сарчашмаларидан баҳраманд бўлгандай, туганмас илм уммонига саёҳат қилгандай бўласиз. Қачонки, шогирдларга, талабаларга устозлар меҳри, эътибори, ғамхўрлиги бор экан уларнинг интилишлари, изланишлари, иқтидорлари бўй кўрсатади. Пировардида эса бундан жамият ҳам, одамлар ҳам наф кўради.

Институтда бир неча йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган, ёшлар қалбида илм олишга бўлган иштиёқини шакллантиришда ўз меҳнатини аямайдиган, жонкуяр устозлардан бири, Ўзбекистон Республикасининг фан арбоби, профессор Собиржон Аминовдир. Устоз томонидан 400 дан ортиқ илмий мақола, 3 та монография, 2 та луғат, 80 та муаллифлик гувоҳномаси ва патент, "Физик ва коллоид кимё" электрон дарслик яратилган. Шунингдек, у "Анорганик кимё", "Физик ва коллоид кимё", "Физик ва коллоид кимёдан масалалар тўплами" ўқув қўлланмаларининг муаллифидир. Улар раҳбарлигида 5 та докторлик ва 20 нафар номзодлик диссертациялари ёқланди. Профессор С.Аминов икки маротаба "Йилнинг энг яхши ўқув адабиёти муаллифи" номинацияси бўйича биринчи ўрин совриндори бўлган, "Ўзбекистон белгиси", "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси" нишонларига сазовор бўлдилар. 2007 йилда Ўзбекистон Республикасининг фан арбоби унвони берилган. Улар билан суҳбатлашар экансиз камтар, хушфеъл, ўзгалар меҳнатини қадрлай олиш фазилатларини илғайсиз. Устоз ва шогирдлари эришган ютуқларини кўриб гўё ўз ютуғидек мамнун бўлади.

"Илм мартабаси мартабаларнинг зўридир" деган гап шубҳасиз тўғридир. Қайси ерда илм-маърифат кучли бўлса, ўша ер бахт ва маънавият маскани ҳисобланади. Гўзал хулқ билан пайваста бўлган илм одамларни бахтиёр қилади, мартабасини оширади. Илмдан мақсад эса кўркам ва эзгу ишларни амалга оширишдир. Бу йўлда тинимсиз изланишда, ҳаракатда бўлган ёшлар шубҳасиз кўзлаган мақсадларига эришажак. Мана шундай ёшларни камол топтиришда, ўз соҳасининг етук мутахассиси сифатида шакланишида албатта устозларнинг ўрни бор. Шу боис халқимиз орасида бир нақл мавжуд, "Устоз отангдек улуғ". Ҳақиқатда, устозлар кўмаги-ю, уларнинг панд-насиҳатлари ва тафаккуримизни илм шамчироғи ила ёритган сабоқлари орқали келажакда ўз ҳаёт йўлимизни қура оламиз.

Ҳар бир устоз ўзгача олам, бирбирини такрорламайди, аммо, қалбларида фақат бир мақсад, у ҳам бўлса, шогирдлари камолини кўриш истаги мавж уради. Шундай устозларимиздан яна бири профессор Зарифа Назаровадир. Устоз раҳбарлиги остида 4 та фан номзодлари ва 4 та фармация магистранти тайёрланди ҳамда 151 та илмий ишлар, 3 та дарслик, 5 та ўқув қўлланма, 10 та дастлабки патентлар ва 7 та вақтинчалик фармакопея мақолалари муаллифидир. Устоз нафақат ёшларга сабоқ берадилар, балки улар қалбида миллий урф-одатларимизга, қадриятларимизга содиқ орислар бўлиш кўникмасини уйғотишга ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Таълим билан тарбияни узвий алоқада олиб боради. Институтда бу каби ўз соҳасининг фидойи, жонкуяр устозлари бисёр. Ҳар қандай изланишлар ўз самарасини берганда ўзимизни бахтиёр ҳис этамиз. Бу ҳис биз сўз юритган Тошкент Фармацевтика институти устозлари, ўқитувчиларига ҳам бегона эмас. Токи, улар илм бераётган ёшлар энг азиз неъмат — инсон саломатлиги йўлида хизмат қилиб, соҳада салмоқли ютуқларни қўлга киритиб келмоқдалар.

Нигора АШУРОВА,
Тошкент Фармацевтика институти тиллар кафедраси ўқитувчиси

Ҳар бир давлатнинг ижтимоий, иқтисодий камолоти ёш авлоднинг қандай илм-ҳунар эгаллагани ва сай-ҳаракатларига боғлиқ бўлиб, буларсиз унинг келажагини тасаввур қилиш қийин эмас.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

Бизнинг мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийлар фаолияти ва меҳнати юксак қадрланади. 1997 йилдан бошлаб ҳар йили 1 октябрда "Ўқитувчи ва мураббийлар куни" умумхалқ байрами сифатида нишонланади ва у дам олиш куни деб эълон қилинган.

Маълумки, ўқитувчи дарс жараёнида асосий сиймо бўлиб, ахборот бериш, матнларни баён қилиш, тезроқ, янада тезроқ ўқитиш билан овора бўлмай, балки ўқувчи, талабани мустақил фикр юритиш, мушоҳада қилиш, амалий хулоса чиқаришга эҳтиёж туғдириши, муҳит яратиши ва масъулиятни ҳис қилишга йўналтириши керак.

Ўқитувчи ҳар бир дарсини миллий ғояга асосланган ҳолда таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи, яъни бир-бири билан узвий алоқада бўлган уч ёқлама мақсадлар билан амалга ошириши замон талабидир.

Юртимизда қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари асосида таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилингани, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этилгани, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрланаётгани халқаро талаблар даражасига чиқишига имконият яратди.

Таълим-тарбия соҳасидаги давлат сиёсатини амалиётда қўллашда устоз ва мураббийлар масъулияти "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"даги узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш тамойиллари: таълимнинг устуворлиги, демократлашуви, инсонпарварлашуви, ижтимоийлашуви, миллий йўналтирилганлиги, таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги талаблари асосида амалга оширилмоқда.

Глобаллашув даври халқларнинг, миллий маданият ва иқтисодиётларнинг яқинлашишини тезлаштирмоқда, уларнинг ривожланиши учун янги ижобий имкониятлардан ижодий фойдаланишни тақозо этмоқда. Бундай шароитда юртимизнинг нафақат устоз ва мураббийлари, ҳар бир оилада ота-оналарнинг вазифаси – ўз миллатининг мавқеини кўтариш, бунинг учун унинг фаол ғоявий, маънавий сиёсати, ишлаб чиқариш ва маданиятда салмоқли ютуқлари учун курашишидир. Бунинг учун юртимизнинг ҳар бир фуқароси у ўқитувчими, мураббийми, ижодкорми, қайси касб-ҳунар эгаси бўлмасин биринчи навбатда, ҳозирги кун амалиёти талаб қилаётган тўрт сифатга эга бўлиши лозим: замонавий мутахассис бўлиши; ўзбек, рус ва инглиз тилларини мукаммал билиши; доим ўз билим доирасини янгилаб бориши; тадбиркор ва ташаббускор бўлиши. Шу сифатларга эга малакали мутахассисларни тайёрлашда устоз ва мураббийлардан амалиётчилик, тадқиқотчилик, ташкилотчилик, ижрочилик вазифаларини сидқидилдан амалга ошириб, бугунги ёш авлодни баркамол шахслар сифатида шакллантириши, мамлакат тараққиётини таъминлаш омилларидан биридир. Юртимизда тинчликнинг барқарорлигини буюк неъмат билиб, фуқаролар айниқса ёшлар илмли, маърифатли, мустақил фикрга эга бўлиб, илм-ҳунар эгаллаш йўлида эркин ижод қилишлари юртимиз тараққиётига файз-барака киритади.

Акром АКМАЛОВ,
педагогика фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими

Сўранг, жавоб берамиз

Битим турлари ва бир тарафлама битимларни ҳуқуқий тартибга солиш ҳақида маълумот берсангиз.

Т.Усмонов, Бектемир тумани

– Битимлар бир тарафлама, икки тарафлама ва кўп тарафлама бўлиши мумкин. Битим тузиш учун қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ бир тарафнинг хоҳиши зарур ва етарли бўлса, бундай битим бир тарафлама битим ҳисобланади. Шартнома тузиш учун икки тараф ёки уч ёхуд ундан кўп тараф келишиб, хоҳиш билдирган бўлиши керак.

Бир тарафлама битим уни тузган шахс учун бурчлар келтириб чиқаради. У бошқа шахслар билан келишувда белгиланган ҳолдагина бурч келтириб чиқариши мумкин. Бир тарафлама битимларга нисбатан агарда қонун ҳужжатларига, битимнинг табиати ва моҳиятига зид бўлмаса, мажбуриятлар ва шартномалар тўғрисидаги умумий қоидалар тегишлича қўлланилади.

Жасурбек ҚОДИРОВ,
Юнусобод туманидаги 11-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Амаким менга ҳовли-жойини ҳадя қилиб кетган. Ҳозирда уни сотиб, ўрнига машина олмоқчиман. Машинани сотаётганимда олди-сотди шартномаси учун турмуш ўртоғимнинг розилиги талаб қилинадими?

О.Латипов, Чилонзор тумани

– Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 25-моддасида шундай белгиланган: Эр-хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тарикасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади.

Ушбу мулкларни тасарруф этишда сотувчининг турмуш ўртоғининг розилиги талаб этилмайди. Эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкини тасарруф этиши билан боғлиқ битим тузилганида, бу ҳаракат бошқасининг розилигига кўра амалга оширилади. Бунга мувофиқ айтиш мумкинки, олди-сотди шартномасида масаланинг ана шу тарафи кўриб чиқилади. Агар ҳақиқатда никоҳ давомида ҳадя ёки мерос тарикасида мол-мулк сизга қолган бўлса ва бу расмийлаштирилган бўлиб, етарли ҳужжатлар тақдим этсангиз, турмуш ўртоғингизнинг розилиги шарт эмас. Агар бу мулк эр-хотин ўртасида умумий, деб ҳисобланса, бу ҳаракатда турмуш ўртоғингизнинг ёзма тарздаги розилиги керак бўлади.

Камила АЗИМОВА,
Чилонзор туманидаги 4-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Низоли ва ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимлар ҳақида тушунча берсангиз?

Д.Жамолова, Олмазор тумани

– Битим қонунга кўра, суд ҳақиқий эмас деб топганлиги сабабли низоли битим ёки қандай деб топилишидан қатъи назар, ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Низоли битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабни қонунда кўрсатилган шахслар қўйишлари мумкин. Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим эмаслигининг оқибатларининг қўлланиш тўғрисидаги талабни ҳар қандай манфаатдор шахс қўйиши мумкин. Суд бундай оқибатларни ўз ташаббуси билан қўллашга ҳақли.

Дилшод МАКСУМОВ,
Яккасарой туманидаги 8-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Мен анча йилдан буён шаҳарда яшайман. Вилоятда отамнинг дала ҳовлиси бор. Уни менга оғзаки васият қилиб қолдирган. Ҳозир ўша уйда акам яшайди. Отам вафот этгач, ҳовлини сотаман десам, акам қаршилик кўрсатмоқда. Бу муаммони қандай ҳал қилсак бўлади?

О.Бегимов, Яккасарой тумани

– Фуқаролик кодексининг 1134 ва 1135-моддаларига асосан, мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалари), хотини, ота-онаси тенг улушларда биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўлади. Сиз ота ҳовлингизни оғзаки берилган васиятномага асосан олишингиз мумкин эмас. Чунки васиятнома нотариал тартибда расмийлаштирилмаган. Фуқаролик кодексининг 1124-моддасида васиятноманинг шаклига доир умумий қоидалар кўрсатилган. Шунга кўра сиз отангиздан қолган мол-мулкдан барча қонуний меросхўрлар қатори ўз улушингизни олишингиз мумкин. Бунинг учун отангиз яшаган тумандаги давлат нотариал идорасига ариза билан мурожаат этасиз.

Камолиддин ҚАМБАРОВ,
Мирзо Улуғбек туманидаги 9-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Мерос тақсимлаш қай тартибда амалга оширилади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Г.Курбонова, Миробод тумани

– Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 1118-моддасига биноан, қуйидаги шахслар меросхўр бўлиши мумкин.

1. Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган қариндошлар;
2. Мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган, мерос очилганидан кейин тирик туғилган болалар;
3. Мерос қолдирувчининг авлодлари, фарзандликка олинганлар, қон-қариндошлик муносабатлари билан боғланган бошқа шахслар;
4. Мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз кимсалар;
5. Бола, невара, чевара, эвара меросхўрлигида тақдим қилиш ҳуқуқи қариндошлик даражаси чекланмаган ҳолда амал қилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1150-моддаси талабларига биноан, мерос тақсимланиши қуйидаги тартибда амалга оширилади. Меросни тақсимлаш меросхўрларнинг келишувига кўра, ўзларига тегишли улушларига мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса суд тартибида амалга оширилади.

Камола МАЗАКИРОВА,
Яккасарой туманидаги 7-сонли ДНИ нотариуси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари такроран қўйилади:

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги муассислигидаги, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 26-уй манзилида жойлашган "Landshaft Dizayn Markazi" Давлат унитар корхонаси.

Бошланғич нархи – 72 668 300 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

2. "O`rta Osiyo Maxsus Qurilish" давлат бирлашмаси тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Авиашаҳарча, 75-уй манзилида жойлашган "O`rta Osiyo Maxsus Qurilish" давлат бирлашмаси.

Бошланғич нархи – 505 182 000 сўм.

Балансда сақловчи: "O`rta Osiyo Maxsus Qurilish" давлат бирлашмаси.

Фаолияти ихтисоси: Республика бўйича халқ хўжалиги объектларида бурғулаш, портлатиш ва махсус ишлар бажарувчи 1, 2, 4, 5 махсус механизациялашган кўчма жамланмаларнинг ишларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 26-уй манзилида вақтинчалик сақланаётган "Навруз" савдо комплекси металконструкция қурилиш материаллари иншооти.

Бошланғич нархи – 6 607 065 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

Савдо ташкилотчиси: "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб-сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2016 йил 20 октябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, "1А"-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 4, 21 ноябрь, 6, 22 декабрь кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилингандан санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Сергели туманида жойлашган "TECHNOINDUSTRIA" МЧЖнинг (ИНН 200662152) думалоқ муҳри ва тўртбурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

UZHYMET

*Тошкент шаҳрида **30 сентябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Гарбдан секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 13-15, кундузи — 20-22 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **30 сентябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Спорт янгиликлари

Гуллар шаҳри Наманганда футбол бўйича 2005 йилда туғилган болалар ўртасида Ўзбекистон чемпионати беллашувлари старт олди.

ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ СТАРТ ОЛДИ

Мазкур чемпионатда футбол ўйинига эндигина қадам қўяётган болалар бош совриндан учун курашга киришдилар. Турнирда қатнашиш мақсадида 26 сентябрь куни Наманганга Жиззах, Бухоро, Хоразм, Андижон, Навоий, Фарғона, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри терма жамоалари етиб келишди. Қуръа ташлаш маросимида қатнашчилар учта гуруҳга бўлинди. Унга кўра "А" гуруҳидан Жиззах, Тошкент ва Андижон вилояти терма жамоалари, "В" гуруҳидан Бухоро, Наманган ва Навоий вилояти термалари жой олишди. "С" гуруҳини эса Хоразм, Фарғона вилояти ва Тошкент шаҳри терма жамоалари ташкил этишди.

Гуруҳларда ғолибликни қўлга киритган жамоалар ва энг яхши кўрсаткичга эга иккинчи ўрин соҳиблари ярим финал йўлланмасини қўлга киритишади. Шу ўринда учрашувларнинг ҳар бир бўлимини 25 дақиқадан иборат эканлигини ва дарвозалар ўлчамини 5х2 ҳажмда эканлигини ҳам қўшимча қилиш жоиз.

ТЕННИСЧИМИЗ ИШОНЧНИ ОҚЛАМОҚДА

Тажрибали теннисчимиз Альбина Хабибулина Қозоғистондаги халқаро турнирни муваффақиятли бошлади.

Яккалик беллашувларининг дастлабки босқичида россиялик Виктория Калинина билан рақобатлашган Альбина рақибасини 6:3, 0:6, 7:5 ҳисобида мағлубиятга учратди ва кейинги даврада иккинчи рақамда сараланган мезбон теннисчи Гўзал Айниддинова билан куч синашадиган бўлди.

Жуфтлик беллашувларида эса қирғизистонлик Ксения Палкина-Улукан билан бирга иккинчи рақамли дуэтни ташкил қилган Альбина Хабибулина илк уринишда германиялик Жульетт Мария Жозефина Штеур ва россиялик Янина Даришинани 6:4, 6:1 ҳисобида доғда қолдирди.

ГРАН-ПРИГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИ

Пойтахтимиз 6-8 октябрь кунлари дзюдо бўйича навбатдаги Тошкент Гран-присига мезбонлик қилади.

"Ўзбекистон" спорт мажмуаси мезбонлигида бўлиб ўтадиган ушбу йирик мусобақанинг расмий подтери эълон қилинди. Унда мамлакатимизнинг номдор полвонларидан Гулноза Матниёзова (-70 килограмм), Абдулла Тангриев (-100 килограмм), Шарофиддин Лутфиллаев (-60 килограмм)ларнинг суратлари акс этган.

Қайд этиш жоиз, 14 вазн тоифасида ўтказиладиган беллашувларда юртимиз шарафини 56 нафар спортчи ҳимоя қилади.

Ботир ХЎЖАЕВ



ЯРИМ ФИНАЛЧИЛАР МАЪЛУМ БЎЛДИ

Ҳиндистонда футбол бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ташкиллаштирилган Осиё чемпионатида кучлилар сараланди.

Келгуси йили 17 ёшли чарм тўп усталари ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатига йўлланма берувчи ушбу нуфузли турнирда иштирок этган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси гуруҳ босқичларида аввалига Таиландни 5:3, кейин Яманни 1:0, сўнгра Шимолий Корея терма жамоасини 3:1 ҳисобида енгиб чорак финалга йўлланма олганди.

Мундиал йўлланмаси учун ироқлик тенгқурлари билан куч синашган ҳамюртларимиз рақибларига 0:2 ҳисобида имкониятни бой беришди ва жаҳон чемпионатида қатнашиш имкониятини қўлга совуришди.

Албатта ҳали мураббийлар учрашувларда йўл қўйилган хатоларни таҳлил қилишади ва келгуси мусобақаларда ўсмирлар терма жамоамизнинг халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок этишини таъминлашга интилишади.

Осиё чемпионатининг чорак финал босқичларида қуйидаги натижалар қайд этилди: Эрон – Вьетнам – 5:0, Япония – БАА – 1:0, Уммон – Шимолий Корея – 1:1, пенальтилар сериясида 2:4 ҳисоби Шимолий кореяликлар фойдасига ҳал бўлди. Ўзбекистон – Ироқ – 0:2.

Энди ярим финалда Эрон – Шимолий Корея, Япония – Ироқ терма жамоалари куч синашишади. Дарвоқе, 2017 йилда 17 ёшлилар ўртасида ўтадиган жаҳон чемпионатида қитъамиз шарафини ҳам Эрон, Шимолий Корея, Япония ва Ироқ ўсмирлар терма жамоалари ҳимоя қилишади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ўзининг асосий мақсад ва вазифаларидан бири келажагимиз бўлган ёшларни она Ватанга садоқатли, фидойи этиб тарбиялаш билан уларда инсонийлик, ватанпарварлик туйғуларини сингдиришга ва эзгу ишлар сари йўналтиришга хизмат қилмоқда.

АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ АВЛОД

Хусусан, Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Яккасарой ЎСТК" унитар корхонаси ҳам қатор ижобий ишларни амалга оширмоқда. Айтиб ўтиш жоизки, ташкилот олдида турган асосий вазифалар – "Ватанпарвар" бошланғич ташкилотини тузиш, доимий равишда оммавий ватанпарварлик тадбирларини ўтказиб бориш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, халқ хўжалигига оммавий касб ходимларини тайёрлаш ҳамда Марказий Кенгаш томонидан тасдиқланган Низомда кўзда тутилган чора-тадбирларни бажаришдан иборатдир.

Мазкур даргохда маънавий-маърифий ҳамда спорт ишлари яхши йўлга қўйилганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича спорт мусобақалари ўтказилиши ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, қалбларида юртга ҳурмат-садоқат ҳиссларини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

— Жорий йилнинг шу давригача "Яккасарой ЎСТК" унитар корхонаси саъй-ҳаракатлари билан 525 нафар оммавий касбдаги мутахассис тайёрланди, — дейди "Яккасарой ЎСТК" УК Маънавият, ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи ва ташкилий оммавий ишлар бўйича бошлиқ ўринбосари Санобар Маматова. — Синф хоналари замон талаби даражасида – мультимедия, компьютер, телевизорлар ҳамда хонани иситиш ва совутиш мосламалари билан жиҳозланган. Шунингдек, шу йилнинг ўзида соҳани янги техник воситалар билан бойитиш мақсадида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган "Нексия", "Спарк", "Кобальт" русумидаги енгил автомобиллар харид қилиниши бўлажак оммавий касбдаги мутахассисларни тайёрлаш сифатини оширишда ўзига хос қулайликлар яратди. Ташкилотда спортнинг техник ва амалий турларидан "Милтиқдан ўқ отиш", "Ёзги биатлон", "Авиамодель", "Ракетамодель" тўгараклари мавжуд. Ҳар бир тўгаракда 12-20 тага яқин вояга етмаган ёшлар қатнашади. Тақвимий режага асосан ўтказилган спорт мусобақаларида ташкилотнинг спортчилари фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Жорий йилда ташкилотимиз Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда бошқа ташкилотлар билан биргаликда кўплаб тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Масалан, гуруҳлар ўртасида спортнинг милтиқдан ўқ отиш тури бўйича спорт мусобақаси ташкил этилди. Тошкент Давлат педагогика университетининг ҳарбий кафедраси билан ҳамкорликда "Ватан ҳимояси – муқаддас бурч!" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицей ўқувчилари ўртасида "Балли йигитлар" кўрик-танловида иштирокчилар тош кўтариш, кўргазмали ҳарбий чиқишлар ҳамда милтиқдан ўқ отиш турлари бўйича куч синашдилар.

Бошланғич ташкилот томонидан жорий йилнинг июль-август ойларида "Нурафшон" оромгоҳида дам олаётган вояга етмаганлар иштирокида маънавий ҳамда спорт тадбирлари ташкил этилди. Спорт мураббийи Д.Белоглазов томонидан ўсмирларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги ҳамда ташкилот фаолиятига тегишли бўлган "Йўл ҳаракати қоидалари" бўйича савол-жавоб викторинаси ва спортнинг ёзги биатлон ҳамда милтиқдан ўқ отиш турлари бўйича спорт мусобақалари ўтказилди. Бунда ўсмирлар ўзларини яна бир бор қанчалик кучли, чаққон ва моҳир эканликларини синаб кўрдилар.

Хулоса қилиб айтганда, ташкилот ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Ватанни севишга, унга сидқидилдан хизмат қилишга ундайдиган хислатларни сингдиришга муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Зиёда РАСУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Best realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

I. Савдога Суд департаменти томонидан, ЖИБ Тошкент вилоят судининг 2015 йил 20 июлдаги 2-285-30М-14-сонли ижро ҳужжатига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Жар Ариқ мавзеси, 39-уй манзилидаги 9 қаватли уйда жойлашган 3 хонали, умумий майдони 118,17 кв.м, яшаш майдони 87,81 кв.м. бўлган, 2 та ҳаммом, 2 та айвон, 2 та даҳлиз, 2 та ошхонадан иборат 16, 17-хонадон. Бошланғич баҳоси – 430 753 823 сўм.

2. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Лашкар кўчаси, 8а-уй манзилидаги 9 қаватли турар жой биносининг 3-қаватида жойлашган, умумий майдони 52,84 кв.м. бўлган, 2 хонали, пойдевори бетондан, девори панел, поли паркет, эшик ва дераза ромлари алюмин профиль ва металл бўлган 58-хонадон. Бошланғич баҳоси – 165 278 707 сўм.

3. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Бўзбозор кўчаси, 31-уй манзилида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 328,0 кв.м., умумий майдони 68,4 кв.м., 4 та яшаш хонаси, ошхона, йўлак, айвон, ҳаммом, хожатхона ва кладовкадан иборат, пойдевори лойдан, девори хом ғишт, поли, эшик ва дераза ромлари тахта, томи шифер бўлган бир қаватли турар жой. Бошланғич баҳоси – 378 370 129 сўм.

Аукцион савдолари 2016 йил 4 ноябрь куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 2 ноябрь куни соат 18:00.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АИТБ "Ipak yo`li" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000000433601001, МФО: 01036. ИНН: 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй, Телефон: (99895)193-01-11. www.mailto:emulk.uz, bestrealtor@inbox.uz.

Лицензия RR-0225.

"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Суд департаменти томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2015 йил 20 июлдаги 2-285-30М-14-сонли ижро варақасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1.Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ц квартал, 19-уй манзилида жойлашган, фойдали майдони 86,97 кв.м, яшаш майдони 57,61 кв.м бўлган 3 хонадан иборат 25-хонадон. 4 қаватли уйнинг 1-қаватида жойлашган. **Бошланғич баҳоси** — 183 327 737 сўм.

2.Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, О.Содиқов кўчаси, 4а/1уй манзилида жойлашган фойдали майдони 60,44 кв.м, яшаш майдони 29,85 кв.м бўлган 2 хонадан иборат 2-хонадон. 4 қаватли уйнинг 1-қаватида жойлашган. **Бошланғич баҳоси** — 135 461 843 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Я. Гуломов кўчаси, 76-б-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 195,19 кв.м бўлган 5 хонадан иборат 2-хонадон. 9 қаватли уйнинг 2-қаватида жойлашган. **Бошланғич баҳоси** — 862 742 090 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 3 ноябрь куни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 1 ноябрь куни 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko`chmas Mulk Savdo Xizmati" МЧЖнинг "Ипак Йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, Стир: 207122519 х/рга толашлари шарт.

Аукцион ўтказтладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел/Факс: (0371) 228-80-23. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали Нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 18 октябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 42-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2015 йил 20 июлдаги ҳукми асосида берилган 2-285-30М-14-сонли ижро варақасига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд департаменти томонидан хатланган қуйидаги мулклар такроран аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. 2004 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси РВ 476 Т77, кузов ZHWGE11S14LA 01386 олча (қизил) рангли, бўлган "Lamborghini Gallardo" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси 615 583 497 сўм.

2. 2009 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 01 С 624 КА, двигатель 27396330337032 кузов 4JGBF8GEXAA573499 шасси рақамсиз, оқ рангли, бўлган "Mersedes GL550" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси 397 553 521 сўм. Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий кўчаси, "Тошкент ОРМЗ".

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 17 октябрь куни соат 18.00да тўхтатилади.

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

Савдога қўйилган мулклар билан суд департаменти бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz **Телефонлар: 0371 276-42-62; +99897 790-95-95.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 4 ноябрда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини сотиб олишга таклиф этади.

Объектларни сотиб олиш шартлари қуйидагича:
— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
— ушбу "Объектлар" учун энг юқори қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
— янги иш ўринлари ташкил этиш;
— харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларга (кўпи билан 1 йил муддат ичида) амалга ошириш (жадвалларда келтирилади);
Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
— сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 % дан кам бўлмаган гаров суммаси;
— таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар икки нусхада.
Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.
Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.
Музокаралар 2016 йил 4 ноябрь куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади.
Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда жорий йилнинг 18 ноябрь, 2, 16, 30 декабрь кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади.
Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08, 233-74-72.

Оммавий оферта савдоларига чиқарилган давлат объектлари рўйхати

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Инвестиция мажбурияти (млн. сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Собиқ 379-сонли мактабгача таълим муассасасининг бино ва иншоотлари	759	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Бўстон кўчаси, 10-уй	Тошкент шаҳар М.Улуғбек туман ҳокимлиги	31.05.2012 № 154	906 520 000	-энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида); - юқорида келтирилган "Объектлар" собиқ мактабгача таълим муассасалари ҳисобланганлиги сабабли, "Харидорлар"га ушбу "Объектлар"ни 5 (беш) йил давомида мактабгача таълим муассасаси сифатида фаолият кўрсатиш мажбурияти юклатилади.	
2	Собиқ 384-сонли мактабгача таълим муассасасининг бино ва иншоотлари	869	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Бўстон кўчаси, 18-уй	Тошкент шаҳар М.Улуғбек туман ҳокимлиги	31.05.2012 № 154	956 680 000		
3	Собиқ 105-сонли мактабгача таълим муассасасининг бино ва иншоотлари	1018	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 8-уй	Тошкент шаҳар Юнусобод туман ҳокимлиги	31.05.2012 № 154	1 237 298 647		
4	Собиқ 196-сонли мактабгача таълим муассасасининг бино ва иншоотлари	1522	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 230-уй	Тошкент шаҳар М.Улуғбек туман ҳокимлиги	31.05.2012 № 154	3 444 573 654		

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Инвестиция мажбурияти (млн. сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Бино ва иншоотлар	3326	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, 8-март кўчаси, 57а-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Биноларидан фойдаланиш департаменти	25.06.2013 № 209	2 707 941 763	-энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида).	
2	Бино қисми	396	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Гулсанам кўчаси, 2-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Биноларидан фойдаланиш департаменти	28.04.2015 № 2340	358 903 568,56		
3	База бино-иншоотлари	663	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Зумрад ва Хосият кўчалари, 58-ҳарбий шаҳарча	Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Тошнисноқувват" ИЧБ УК	15.06.2014 № 192	833 123 300		
4	Қурилиши тугалланмаган бино-иншоот	486	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси	Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИК	28.04.2015 № 2340	617 321 036	100-200 млн.сўм ва қўшимча 6-10 та иш ўрни яратиш	4-6 ой муддатда

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2016 йил 4 ноябрда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, У.Носир кўчаси, 53 Б-уй манзилида жойлашган "Sirkechi-Tashtekstil" МЧЖ ҚК устав фондидаги 25,0 фоиз давлат улушини сотиб олишга таклиф этади.

Улушнинг бошланғич нархи – **2 304 146 160** сўм.
Улушни сотиб олиш шартлари қуйидагича:
— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
— ушбу "Улуш" учун жамиятга энг юқори қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
— янги иш ўринларини ташкил этиш;
— харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат давомида).
Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
— сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 фоиздан кам бўлмаган гаров суммаси;
— таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар икки нусхада.
Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.
Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.
Музокаралар 2016 йил 4 ноябрь куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади. Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда, 2016 йил 18 ноябрь ва 2, 16, 30 декабрь кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16 -"А" уй манзилида ўтказилади.
Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08, 233-74-72.

(Газетанинг навбатдаги сони 1 октябрда чиқади).

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-4227
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 955
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4875 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 15.00
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ